

Эътироф: Шайх ҳазратларининг укалари Муҳаммад Амин ҳожи тақдирландилар



20:07 / 28.08.2021 2778

Бугун Халқаро Ислом академиясида диний маърифий соҳада хизмат қилган 270 чоғли аҳли илмларимиз ва юртдошларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға мувофиқ «Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Байрам ҳақиқий маънода нишонланди, десак, тўғри бўлса керак. Зеро, оддий кўнгилхуши тадбирларнинг ўзи байрамни нишонлашга етарли эмас.

Муносиб бўлмасакда, ҳали халққа айтарли хизмат қила олмаган бўлсак да, каминаға ҳам шундай нишон беришди. Бунинг учун барча сабабчиларига ташаккур.

Мен ҳаммадан ҳам кўра, Яхё қори дада, Раҳматуллоҳ қори ака, Умархон домламиз, устозимиз шайх ҳазратларининг инилари Муҳаммад Амин ҳожи ака каби катта ёшдаги устозларимиз тақдирланганидан ўта хурсанд бўлдим. Зотан, улар шу пайтгача қанчалар хизмат қилган бўлмасинлар, бундай юқори мартабада тақдирланмаган эдилар, баъзан аксига олиб, дашном эшитардилар.

Олимларини, маърифат аҳлларини ҳурмат қилган юрт обод бўлади, тараққий этади, кучли бўлади ва кам бўлмайди, иншааллоҳ.

Уламоларни, илм аҳлини ҳурмат қилиш Аллоҳнинг шиърларини улуғлашга киради ва ихлос муҳаббатдан дарак беради. Илм аҳлига эътибор келажакнинг аҳли илм бўлишига заминдир. Бу ишдан иймон аҳллари хурсанд бўлади, албатта.

Ушбу хайрли ишда бош бўлган Президентимиз, бунга ҳисса қўшган барча азизларимизни Аллоҳ таоло Ўзи ёрлақасин, барча эзгу ишларда музаффар айласин.

Аллоҳ таолодан юртизда хайру барака зиёда бўлиб, ватанимиз ҳамиша тараққий этишини ва динимиз ривожидан доимо кўзимиз қувнаб юришини сўраб қоламан.

Ҳасанхон Яхё Абдулмажид